

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 10

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 10 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Фарманова Гулнара Комилевна*
МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО
СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА 9-18
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ
ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР
БОШИ) 19-26
- Ахмедов Шахзод Фарход ўғли*
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ
УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ 27-34
- Mirsoatova Sayyora Turg'unovna*
MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR 35-39
- Янгибоева Дилноза Ўктамовна*
МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ФАОЛИЯТИ 40-48
- Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич*
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРФОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 49-53
- Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich*
O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI 54-58
- Ergasheva Bahridil G'olibjonovna*
IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA
DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSIOLOGIK TAHLIL) 59-65
- Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли*
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР 66-74
- Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi*
XORIJIIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA
ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) 75-80
- Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна*
БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ
ТАРИХИГА БИР НАЗАР 81-86

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Boltayev Nurali Shiramatovich*
AGRAR OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING
BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI 87-93

<i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i> РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ	94-102
<i>Ravshanov Malik Naimovich</i> METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX.....	103-108
<i>Xushmuradov Oman Namozovich</i> TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI	109-115
<i>Raximjonov Kamronbek Ixomjon o'g'li</i> DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH	116-121
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> АКАДЕМИК ИБРОҶИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ	122-128
<i>Talabov Baxriddin Alijanovich</i> KONSTITUTIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA	129-134
<i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i> JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI	135-140
<i>Солиев Икромжон Комилжонович</i> РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН	141-147
<i>То'хтайев Hakim Primovich</i> TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSİYASINING NAMOYON VO'LISH XUSUSIYATLARI	148-153
<i>Уразалиева Гулшада</i> СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ	154-160
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ	161-167
<i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i> GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOYIY-DUNYOVIY DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL)	168-172
<i>Quvonov Sardor Zokirovich</i> MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI	173-178
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	

<i>Халметова Меҳрибону Гайратжонова</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	179-186
<i>Abdijabbor Amanov</i> MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	187-193
<i>Umarova Xurshida Zikiryoixonovna</i> AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI	194-201
<i>Odinayev Bekqul Imamqulovich</i> LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN	202-210
<i>Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev</i> "DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR"DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR QIYOSI	211-217
<i>Saidov Akmal Azimovich</i> "TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH	218-224
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Qosimov Botirjon Ma'rufjon o'g'li</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI	225-231
<i>Жўраев Дилмурот Мухторович</i> МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР	232-240
<i>Эшонхонов Камолхон Маматхонович</i> БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	241-246
<i>Бўриев Одил Қобилович</i> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕЗОНИДИР	247-253
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li</i> "ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING MAVJUD HOLATI	254-259
<i>Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола</i> ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ КОММУНИКАЦИИ.....	260-265

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i> РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i> ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНИГ МУҲИМ ОМИЛИ	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i> KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i> OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIV BORISH	299-303
<i>Robiya Mannopova</i> INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i> REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i> TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i> IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI	323-328

12.00.00- Юридик фанлар

Жўраев Дилмурот Мухторович
Термиз туманлараро маъмурий судининг судьяси
Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси
Email: joraev_dms@mail.ru

**МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН
НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ
ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР**

Аннотация. Ушбу мақолада маъмурий низоларни судда ҳал этишда келишув тартиб-таомилларини қўллашга таъсир қилувчи айрим масалалар яъни судловга тааллуқлилиқ, маъмурий шартнома, дастлабки эшитиш, дастлабки қарор тушунчалари таҳлил қилиниб, уларнинг низони судда келишув орқали ҳал этишдаги аҳамияти ўрганилган ва хулосалар олинган.

Калит сўзлар: судловга тааллуқлилиқ, маъмурий шартнома, дастлабки эшитиш, дастлабки қарор, маъмурий акт, келишув тартиб таомиллари, процесс, ички ва ташқи функция, юстиция.

Jurayev Dilmurot Mukhtarovich
Judge of Termiz interdistrict administrative court
Candidate for Ph.D of Tashkent state university of law

**SOME ISSUES AFFECTING THE APPLICATION OF THE PROCEDURES OF THE AGREEMENT
IN COURT SETTLEMENT OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC
LEGAL RELATIONS**

Abstract. In this article, some issues that affect the application of agreement procedures in the resolution of administrative disputes in court, that is, the concepts of jurisdiction, administrative contract, preliminary hearing, preliminary decision, are analyzed, their importance in resolving disputes in court by agreement is studied and conclusions are drawn.

Key words: jurisdiction, administrative contract, preliminary hearing, preliminary decision, administrative act, procedural aspects of the agreement, process, internal and external functions, justice.

Жураев Дилмурот Мухторович
Судья межрайонного административного суда г.Термеза
Самостоятельное соискатель ТГЮУ

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ, ЗАТРАГИВАЮЩИЕ ПРИМЕНЕНИЕ ПРОЦЕДУРЫ
СОГЛАШЕНИЯ ПРИ СУДЕБНОМ РАЗРЕШЕНИИ СПОРОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ ИЗ
АДМИНИСТРАТИВНЫХ И ПУБЛИЧНО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ**

Аннотация. В данной статье анализируются некоторые вопросы, затрагивающие применение примирительных процедур при разрешении административных споров в суде, а именно понятия

подсудности, административного договора, предварительного слушания, предварительного решения, их значение при разрешении споров в суде. Суд по соглашению изучен и сделаны выводы.

Ключевые слова: подсудность, административный договор, предварительное слушание, предварительное решение, административный акт, процессуальные стороны договора, процесс, внутренние и внешние функции, правосудие.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N33>

Маълумки, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни муқобил ҳал этишни ривожлантиришда низоларнинг судловга тааллуқлилиги, маъмурий шартнома тушунчаси, низоларни юстицияда ҳал этишда дастлабки эшитиш босқичи, дастлабки қарор тушунчаларини кенгроқ ўрганиш самарали ёрдам беради.

Негаки мамлакатимиз қонунчилигига кўра низоларни судда кўриб чиқиш институтлаштирилган ва вақти-вақти билан янги вужудга келган низоларнинг судловга тааллуқлилиги масаласида судлар ўртасида ҳам тушунмовчиликлар келиб чиқади ёки низоларнинг судловга тааллуқлилигини белгиловчи қоидаларнинг чегараси баъзан ўзгарувчандир. Хорижий амалиётда эса баъзи мамлакатларда маъмурий низоларни судда алоҳида юстиция сифатида баъзи мамлакатларда эса умумюрисдикция судларида кўриб ҳал этилади.

Бундан ташқари қонунчилигимизда ва суд амалиётида оммалашмаган маъмурий шартнома тушунчасини ўрганиш, суд процессида дастлабки эшитиш босқичини ўрганиш ва мамлакатимиз суд амалиётига ёт бўлган дастлабки қарор тушунчасини ўрганиш маъмурий низоларни қолаверса фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳам муқобил усулларда ҳал этишни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ушбу масалаларни қуйида бирма-бир кўриб чиқамиз.

Маъмурий судлар ташкил этилгандан сўнг меҳнат муносабатларига оид низоларни кўриб чиқишда фуқаролик судлари ва маъмурий судлар ўртасида тушунмовчиликлар юзага келган. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 15-сон Пленум қарори[1] билан ҳал этилиб, ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмаслиги ҳақидаги қондан белгиланган билан ҳал этилган.

Ёки Ўзбекистон Республикаси МСЮТКнинг 27-моддасининг биринчи қисми 6,7-бандларида белгиланган инвестиция ва рақобатга оид низоларнинг маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, кодекснинг 27¹-моддасида инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар кириши 27²-моддасида Рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар

ҳисобланиши белгиланган. Бироқ ушбу тоифадаги низоларни ҳам бошқа судларнинг судловидан фарқлаб олиш мушкул саналади.

Қонунчиликда бир суднинг судловига тааллуқлилиги белгиланган масала бошқа бир судда кўриладиган масала билан узвий боғлиқ ҳолатларни фуқаролар учун қийинчиликларни олдини олиш мақсадида бир суднинг судловига ўтказиш амалиёти ҳам мавжуд.

Шу кунга қадар, зарарни ундириш ёки акцептсиз ундириш билан боғлиқ низолар фуқаролик ёки иқтисодий суднинг судловига тааллуқли бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 833-сонли қонуни[2] қабул қилиниши билан агар ушбу масалалар маъмурий органнинг хатти-ҳаракати ёки қарори билан боғлиқ бўлса ушбу низолар ҳам маъмурий суднинг судловига тааллуқли бўлиши ҳақидаги қоидалар белгиланди.

Бунга кўра муқаддам иқтисодий судлар томонидан кўриб келинган солиқ органининг акцептсиз ундириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларига оид низолар ва фуқаролик судлари томонидан кўриб келинган маъмурий органнинг хатти-ҳаракатлари, қарорларидан келиб чиққан зарарни ундириш билан боғлиқ ишлар маъмурий суднинг судловига ўтди.

Бундан ташқари, биринчи бобда қайд этганимиздек Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуни[3]нинг 52-моддасига кўра, Давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат фуқаролик хизматчисининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг [Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига](#) белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган. Ушбу қонун юзасидан давлат фуқаролик хизматчисининг реестри қабул қилиниши билан, реестрга киритилган хизматчиларнинг меҳнат муносабатларига оид низоларини катта эҳтимол билан маъмурий судлар томонидан кўриш бошланишини тахмин қилиш мумкин.

Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, маъмурий судларнинг судловига тааллуқли низоларнинг тоифаси кундан-кунга ортиб бормоқда ва бунинг оқибатида биринчидан маъмурий судлар юки ҳам ортмоқда, иккинчидан эса муқаддам судловга тааллуқлилигининг чегарасини белгилаб берган ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирувчи шартномавий муносабатлар ҳам маълум маънода маъмурий суднинг судловига тааллуқли бўлиб бормоқда. Бу эса суд юкини камайтириш жиҳатидан ва низолар тоифасининг ортиши оқибатида ўзаро ён беришларнинг имконияти кенгаётганлиги натижасида маъмурий суднинг судловига тааллуқли низо тоифаларига келишув тартиб-таомилларини қўллашни жорий этишни талаб этади.

Энди маъмурий шартнома тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, давлат бошқарувини амалга оширишда, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда шартномадан фойдаланилади ва халқаро тажрибада маъмурий шартнома тушунчаси маъмурий ҳуқуқ фани доирасида ўрганилади.

Х.Х.Бахрамов маъмурий ҳуқуқий шартномани – бошқарув фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклларида бири дея таъкидлаб, у оммавий – ҳуқуқий соҳада оммавий манфаатларни қондириш мақсадида, бошқарув

функцияларини (масалан, мувофиқлаштириш, бўйсунув, ташкил этиш, тақсимлашни) ўз зиммасига олишини баён қилган[4; Б.163.].

А.Попов фикрига кўра маъмурий шартнома иккига бўлиб таърифланади. Унга кўра норматив маъмурий шартнома маъмурий ҳуқуқнинг манбаи ва ҳуқуқий тартибга солиш усули сифатида, яқка тартибдаги маъмурий шартнома демократик бошқарув шакли сифатида таърифланади[5]. Шунингдек, унинг фикрига кўра маъмурий ҳуқуқ назариясида маъмурий шартнома тушунчасини ўрганиш юқори эмас.

Фикримизча олимнинг бундай фикрга келишига сабаб, маъмурий ҳуқуқий муносабатлар фақат норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солиниши ҳақидаги умумий қарашларнинг шаклланганлиги ва амалда давлат бошқарувини амалга оширишда шартномавий муносабатларни тасаввур қилишнинг қийинлигидадир.

Маъмурий шартномага маъмурий ҳуқуқ предмети сифатида тариф берилганда уни яхши тушуниш учун маъмурий органнинг икки функцияси ички ва ташқи функциясини амалга оширишда фойдаланиладиган шартномавий муносабатларга бўлиб ўрганиш қулайроқдир.

Биринчи ҳолатда бир маъмурий орган ўзининг ички функциясини амалга оширишда шартномавий муносабатларга киришиб, ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат муносабатларини ташкил этишда, моддий-техник таъминотни амалга оширишда ва бошқа ҳолатларда ички муносабатлар учун шартномавий муносабатларга киришади.

Иккинчи ҳолатда эса маъмурий орган ўзининг ташқи функцияси яъни — норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган маъмурий давлат бошқарувини амалга оширишдаги функциясини бажариш учун шартномавий муносабатларга киришади. Мисол учун бир маъмурий орган ўзининг жамият олдидаги вазифаларини бажариш учун хусусий секторлар билан ёки жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларга киришади.

Масалан маҳаллий давлат ҳокимияти органи бир тадбиркорлик субъекти билан давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш юзасидан шартномавий муносабатларга киришади. Ёки давлат функциясини бажариш ваколатига эга бўлган бошқа органлар томонидан маълум бир шартлар асосида жисмоний ёки юридик шахсларга лицензиялар, рухсатномалар берилади. Бу ҳам моҳиятан маъмурий шартномаларни (лицензия шартномаси каби) келтириб чиқаради.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, маъмурий шартнома – бу маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланган, шартнома иштирокчиларидан бири давлат бошқарув субъекти бўлган, бошқарув характеридаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида тузиладиган битимдир.

Ушбу шартномавий муносабатлар ҳам барча шартномавий муносабатлар сингари фуқаролик ҳуқуқи предмети бўлсада, моҳиятан маъмурий ҳуқуқий муносабатларга яқин туради ва ушбу шартномалар доирасида юзага келадиган низоларнинг бир қисми маълум маънода маъмурий низо ҳисобланади.

Мисол учун давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун маълум бир хизматларни кўрсатиш ёки маълум бир товарларни етказиб бериш учун танлов эълон қилинди ва танлов натижаларига кўра муваққат комиссия томонидан бир танлов иштирокчиси

танлаб олинди. Ўз ўрнида бу танловни оммавий оферта яъни дастлабки шартномавий муносабатларга киришиш дейиш мумкин. Оқибатда танлов натижаларидан, муваққат комиссиянинг қароридан иккинчи бир иштирокчи норози бўлди. Иккинчи иштирокчи комиссия қарорига ва мансабдор шахсларнинг хатти – ҳаракатига нисбатан ариза (шикоят) билан судга мурожаат қилгунига қадар биринчи иштирокчи ва маъмурий орган ўртасида давлат эҳтиёжлари учун товарларни етказиб бериш ёки хизматларни кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилди ва шартнома шартларининг маълум бир қисми бажарилди. Яъни маъмурий орган томонидан тадбиркорлик субъектига маълум миқдордаги тўловлар амалга оширилди ва ўз ўрнида тадбиркорлик субъекти томонидан маълум миқдордаги ишлар бажарилди. Бироқ, суд томонидан иккинчи иштирокчи шикоятига асосан комиссиянинг танлов жараёнларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланиб танлов комиссиясининг қарори бекор қилинди. Бунинг оқибати эса маъмурий орган учун танловнинг биринчи иштирокчиси олдида ҳам, иккинчи иштирокчиси олдида ҳам қарздорликни келтириб чиқаради. Шу каби ҳолатлар низоларнинг судловга тааллуқлилигида тушунмовчиликларни ёки қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бунинг ечими эса ҳуқуқда маъмурий шартнома тушунчасини кенг ўрганишни низоларнинг судловга тааллуқлилигини тадқиқ этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 26 октябрдаги 833-сонли қонунига кўра, МСИЮтКнинг 26-моддасига қўшимчалар киритилиб, аризачи ушбу моддада кўрсатилган ариза (шикоят) билан бир қаторда ушбу талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам маъмурий судларга тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланди. Бу эса бугунги кунга қадар иқтисодий ва фуқаролик судлари томонидан кўриб келинган маълум бир турдаги низолар эндиликда маъмурий судлар томонидан кўриб ҳал этилишини англатади.

Бундан ташқари юқорида таъкидланганидек яқин келажакда 788-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни[6]га кўра маъмурий (давлат бошқарув) органлари билан боғлиқ меҳнат низоларининг маъмурий судларнинг судловига тааллуқли бўлиш эҳтимоли мавжуд.

Меҳнат муносабатлари эса шартномавий муносабатларда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Юқорида хорижий мамлакатлар хусусан Канада тажрибасидан кўрганимиздек, меҳнат муносабатларидан юзага келадиган низоларда келишув тартиб-таомиллари кенг қўлланиладиган низо тоифаси ҳисобланади.

Ушбу нуқтайи назардан ҳам шартномавий муносабатларда шартнома иштирокчиларидан бири маъмурий орган бўлган шартнома тоифаларини алоҳида ўрганиш, илмий – назарий жиҳатдан низоларнинг судловга тааллуқлилиги масаласини тадқиқ этиш маҳаллий ва хорижий тажриба бўйича маъмурий низоларда келишув тартиб-таомилларини қай даражада қўллаш мумкинлигини ойдинлаштиради.

Шунингдек мавзу доирасида кейинги масалага ўтадиган бўлсак, низоларни судда ҳал этишда дастлабки эшитиш босқичи низоларни судгача ҳал этишда муҳим саналади.

Негаки, ривожланган давлатларда асосан маъмурий, иқтисодий фуқаролик суд ишларини юритишда низони суд муҳокамасида кўришни бошлашдан олдин ишнинг мазмун моҳиятини, тарафлар ўртасидаги низога олиб келган асл сабабларни ўрганиш, низо предметини ойдинлаштириш, манфаатдор тарафлар доирасини аниқлаш ва суд

муҳокамасини бошламасдан муқобил усулларда тарафлар ўртасидаги низони бартараф этиш имконияти бор ёки йўқлигини ўрганиш мақсадида тарафлар иштирокида норасмий ёки расми дастлабки эшитиш босқичини (мажлисини) ўтказди.

Мисол учун, Германия маъмурий-процесс кодексининг 87-моддасига кўра, судья ишни судга тайёрлаш босқичида дастлаб тарафларни чақириши ва ишнинг ҳолатини ўрганиши, низонинг мазмун моҳиятини тарафлар билан муҳокама қилиши, тарафлар ўртасида келишув тартиб-таомилларини қўллаш, келишув битими тузиш имкониятини ўрганишга мажбурлиги белгиланган[7; Б.234.].

Шунингдек, бунга ўхшаш қоидаларни, Озарбайжон Маъмурий процесс кодексининг 49.1.1-моддасида[8], Арманистон маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 86-моддасида[9], Эстония Маъмурий процесс кодексининг 122-моддасида[10], Қирғизистон маъмурий-процесс кодексининг 125-моддасида[11] ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 17-бобида ишни суд муҳокамасига тайёрлаш қоидалари белгиланган бўлиб у асосан судья томонидан якка тартибда ишни ўрганиш, манфаатдорлар доирасини аниқлаш, суд мажлиси ҳақида тарафларга хабар бериш, гувоҳларни чақиртириш, экспертиза тайинлаш, ишни бир иш юритишга бирлаштириш, ишни алоҳида иш юритишга ажратиш каби умумий қоидалар белгиланган.

Бироқ, қонунчилигимизда низо юзасидан ишни суд муҳокамасида кўришдан олдин, тарафлар ўртасидаги низо предметида уларнинг иштирокида расмий ёки норасмий равишда ойдинлик киритиш, низони суд муҳокамасисиз муқобил усулларда ҳал этиш, ариза юзасидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ойдинлик киритиш каби хос қоидалар белгиланмаган. Шу сабабли ҳам суд ишларини юритишда ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритишни тугатиш, аризани имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги сабабли ишни кўрмасдан қолдириш ҳолатлари учрайди.

Судья томонидан ишни муқобил усулларда ҳал этиш имкониятини ўрганиш эса амалда умуман мавжуд эмас. Ваҳоланки иш юзасидан низо тарафлари ўртасида келишув институтини қўллаш имконияти улар иштирокида олиб бориладиган ҳамкорлик, дўстлик учрашувларида маълум бўлади.

Бундан ташқари низоларни юстицияда ҳал этишда хорижий амалиётда дастлабки қарор, дастлабки маъмурий акт тушунчалари ишлатилади. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи” тўғрисидаги Қонуни[12]да ҳам бундай тушунча мавжуд.

Унга кўра, арбитраж суди томонидан Агар таъминлаш чорасини белгилаш тўғрисидаги илтимос бўйича ахборотни ушбу чора қайси тарафга нисбатан белгиланаётган бўлса, ўша тарафга олдиндан ошкор этиш бундай чоранинг мақсадларига зарар етказиши мумкин деб ҳисобласа, дастлабки қарорни чиқариши мумкин. Бунда арбитраж суди ўзига нисбатан дастлабки қарор чиқарилаётган исталган тарафга ўз фикрини имкон қадар қисқа муддатларда баён қилиш имконини беради.

Арбитраж суди дастлабки қарор чиқарилишига қарши ҳар қандай эътироз бўйича дарҳол ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Дастлабки қарорнинг амал қилиш муддати у арбитраж суди томонидан чиқарилган санадан бошлаб йигирма кун ўтгач тугайди. Айти вақтда арбитраж суди дастлабки қарорнинг қўлланилишини ёки ўзгартирилишини таъминловчи чорани ўзига нисбатан дастлабки қарор қабул қилинаётган тарафни хабардор қилганидан ва унга ўз нуқтайи назарини баён этиш имкониятини берганидан сўнг белгилаши мумкин.

Дастлабки қарор тарафлар учун мажбурий кучга эга, аммо у суд тартибида ижро этилмайди. Бундай дастлабки қарор арбитражнинг ҳал қилув қарори ҳисобланмайди. Бу тарафлар учун яқин келажақда маълум бир ҳуқуқий оқибатлар юзага келишини англатади ва бу тарафларга ўз ҳуқуқий позицияларини белгилашларига, ўзаро ён беришларга уринишларига туртки бўлади.

“Халқаро тижорат арбитражи” тўғрисидаги қонунимизда дастлабки қарорга оид хос бир қоида белгиланган бўлсада, одатдаги суд процессларига оид ёки маъмурий процедураларга оид қонунларда, регламентларда дастлабки қарор, дастлабки маъмурий актга оид қоидалар учрамайди.

Мисол учун, Германия маъмурий-процесс кодексининг 109-моддасига кўра, суд арз қилинган талаб бўйича дастлабки қарор қабул қилиниши мумкин.

Берлин шаҳар маъмурий судининг судьяси Штефан Гроскурт фикрича судда дастлабки қарорни эълон қилишдан мақсад тарафларга кейинги ҳаракатларни амалга оширишга, ўзларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун қўшимча далилларни судга тақдим этишга ундайди. Судьянинг суд қарорини эълон қилишдан олдинги қарори тарафлар учун, уларнинг бир-бирларига ён беришлари учун муҳимдир [13].

Хорижий тажрибада низоларни якуний тарафлар учун мажбурий бўлган қарор қабул қилиш билан ҳал этишдан олдин тарафларнинг ўзаро келишувига эришиш ёки ўзи тарафидан йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш учун дастлабки процесс ўтказиш, дастлабки маъмурий актни қабул қилиш амалиёти қўлланилади.

Бу хориж тажрибасида турли хил атамалар билан қўлланилади.

Мисол учун дастлабки процесс, дастлабки маъмурий акт шунчаки вазият ичидаги вазиятни юмшатиш, масалани ҳал этишни олдиндан кўрсатиш учун қўлланилади. Бироқ бунда қабул қилинган маъмурий акт якуний бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан шикоят қилиш кам учрайди [14]. Бу ҳолат хорижий тажрибада суҳбатдош маъмурий акт деб аталиб бу ўзаро масала юзасидан якуний ҳолат қандай бўлишини олдиндан билишни таъминлайди ва тарафларга тўғри ҳаракат қилишни ўргатади.

Тарафлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш учун турли қоидалар белгиланганлиги ва қоидалар юзасидан низо келиб чиққанда муносабатларни тартибга солиш суд томонидан қабул қилинган қарорлар билан тартибга солинади ва суд қарори якуний бўлганлиги сабабли ҳам тарафларга ўзаро бир бирига мослашиш имкониятларини истисно этади.

Масала якуний қоида (қарор)лар билан ҳал этилишидан олдин тарафларга ўзаро келишиш, ўзларида мавжуд камчиликларни ҳал этиш ёки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган низоли ҳолат ва бунда якуний қонуний ечим қандай бўлишини билиш учун имконият дастлабки процесс, дастлабки маъмурий акт тушунчалари ишлатилади.

Юстициядан ташқари маъмурий органлар фаолиятида ҳам низоларнинг олдини олиш, барвақт ҳал этиш учун дастлабки маъмурий актни қабул қилиш, уни эълон қилиш амалиёти қўлланилади.

Мисол учун, РФ СКнинг 82-моддасига кўра солиқ мониторинги солиқ назорати шаклидан бири сифатида таърифланади. Шунингдек солиқ мутахассисларининг таъкидлашича солиқ мониторингининг мақсади солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар томонидан солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавfli операцияларни ўз вақтида бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш орқали солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдан иборатдир[15; Б. 38-41.]. Шу жиҳатдан солиқ мониторингига низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида бири сифатида қаралади.

Солиқ мониторинги ташаббускори солиқ тўловчи ҳисобланади. РФ СКнинг 105²⁷-моддаси[16] биринчи қисмига кўра, солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза муқаддам солиқ мониторинги ўтказилмаган ташкилот томонидан ушбу ташкилот жойлашган жойдаги солиқ органига солиқ мониторинги ўтказиладиган даврдан олдинги йилнинг 1 сентябидан кечиктирмай тақдим этилади.

Солиқ мониторинги натижалари бўйича солиқ органи солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши тўғрисида солиқ органининг позициясини акс эттирувчи асослангилган хулоса чиқаради. Ушбу хулоса маслаҳат характерига эга бўлиб, ушбу хулоса билан солиқ тўловчи келишмаганда солиқ низосининг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун ўзаро келишилган тартиб қўлланилади. Келишувга эришилмаган тақдирда солиқ тўловчи судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, ушбу даврда (низо ҳал этилгунга қадар) солиқ тўловчига нисбатан солиқларни ундириш чоралари ва тартиби қўлланилмайди.

Ушбу ҳолатда солиқ органи солиқ тўловчининг мурожаатига асосан қабул қилинадиган дастлабки маъмурий актни қабул қилиб солиқ тўловчининг фаолиятида келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолатларни кўрсатиб беради ва агар солиқ тўловчи солиқ органининг дастлабки маъмурий акти билан келишса ўз фаолиятидаги камчиликларни олдиндан бартараф этади ва келгусидаги низоларни ҳам бартараф этади. Агар солиқ тўловчи солиқ органининг дастлабки маъмурий акти билан келишмаса бу юзасидан юқори турувчи солиқ органига ёки судга мурожаат қилиш билан низолашиши мумкин. Агар солиқ тўловчи низода ютиб чиқса оқибатда (маъмурий орган) солиқ органи фаолиятидаги ноқонуний амалиёт тузатилади ва бунда ҳам келгусида юзага келиши мумкин бўлган низонинг олди олинади.

Худди шу ҳолатда барча маъмурий муносабатларда ҳам дастлабки маъмурий актни қабул қилиш орқали адресат ёки маъмурий орган фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ўзаро ён беришлар орқали келишиш орқали келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олди олиниши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш керакки дастлабки маъмурий актни қабул қилиш деганда бир масалани ҳал этишда комплекс тарзда қисмларга бўлиб комиссияларда қабул қилинадиган маъмурий актларни тушунмаслик керак. Чунки бир якуний қарор қабул қилиш учун комиссияларда ёки турли маъмурий органларда ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган маъмурий актлар худди бир маъмурий актнинг қисмлари ҳисобланади. Бунда бир маъмурий актни қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа маъмурий актни қабул қилиш хориж тажрибасида тушуниладиган дастлабки маъмурий акт эмас. Хориж тажрибасидаги дастлабки маъмурий акт келгусида адресат

учун келтириб чиқарадиган қонуний ҳолатларни кўрсатиб беради ва адресат учун келажакда юзага келадиган низоли ҳолатга тайёргарлик кўриб бориш ёки бу низоли ҳолатнинг келиб чиқмаслиги учун ҳар икки тараф адресат ва маъмурий органга кейинги ҳаракатларни қандай қилишни кўрсатиб берувчи тавсиявий характерга эга.

Ушбу юқорида келтирилган асосларга кўра, мамлакатимиз қонунчилигида, суд ишларини юритишда, хусусан маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитиш босқичини, суднинг ҳал қилув қарори эълон қилинишидан, маъмурий органларда қарор қабул қилинишидан олдин дастлабки қарорни эълон қилиш амалиётини жорий этиш лозим. Шунингдек, ҳуқуқ фанида маъмурий шартнома тушунчасини алоҳида ўрганиш, унинг ҳуқуқий табиатини кенг ёритиш тавсия этилади ва низоларнинг судловга тааллуқлилигини ажратишда низоларнинг хусусий шартномалардан ёки маъмурий шартномалардан юзага келганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. 15-сон 19.05.2018. Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (lex.uz)
2. ЎРҚ-833-сон 26.04.2023. Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (lex.uz)
3. ЎРҚ-788-сон 08.08.2022. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида (lex.uz)
4. Ш.Т.Икрамов ва И.А.Хамедов таҳрири остида, “Маъмурий ҳуқуқ” Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси 2016 йил. 163-бет.
5. Синдеева И. Ю. Административный договор как институт административного права //URL: <http://lawtheses.com/> (дата обращения: 13.10. 2016). – 2009.
6. УДК 342.9 ББК 67.401 С23, Deutsche Gesellschaft Fur Internationale Yusunnenarbeit (GIZ) GmbH, Сборник законодательных актов по административных актов по административному судопроизводству 3-е издание, 2018 г.
7. Административно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 июня 2009 года № 846-IIIQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.06.2022 г.) (zakon.kz)
8. Legislation: National Assembly of RA (parliament.am)
9. АДМИНИСТРАТИВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС (juristaitab.ee)
10. Кодекс КР от 25 января 2017 года № 13 "Административно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики" (minjust.gov.kg)
11. ЎРҚ-674-сон 16.02.2021. Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида (lex.uz)
12. Берлин шаҳар маъмурий судининг судьяси Штефан Гроскурт маърузаси, Германия ҳалқаро ҳамкорлик (GIZ) ташкилоти ва Судьялар олий мактаби ҳамкорлигида ўтказилган “Маъмурий суд ишларини юритишда долзарб масалалар” мавзусидаги семинар тренинг, 30.09.2022 й.
13. Interlocutory - Definition, Examples, Cases, Processes (legaldictionary.net)
14. Аракелова М. В. Налоговый мониторинг как форма налогового администрирования //Финансовое право. – 2015. – №. 8. – С. 38-41.
15. НК РФ Статья 105.27. Порядок представления заявления о проведении налогового мониторинга, принятия решения о проведении (об отказе в проведении) налогового мониторинга \ КонсультантПлюс (consultant.ru)

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 10 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).